ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 78 (10.383) / 2005 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

**21 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2005 йил биринчи чорагида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича устувор вазифаларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.**

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 28 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда 7 февралда Оқсаройда Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби иштирокида ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқида ҳукуматнинг жорий йил ва келгуси даврдаги асосий вазифаларини белгилаб берган эди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши учун, аввалambор, иккита муҳим талабга жавоб бериш даркор:

**биринчиси** — ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига муносабатини тубдан ўзгартириш, масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш зарур;

**иккинчиси** — ўзига катта ишонч, катта вазифа юклатилган ҳар қайси раҳбар ана шу ишонч, ана шу вазифага муносиб бўлиш учун зарур билим ва тажрибага, юқори малакага эга бўлиши шарт. Чунки ўз соҳасида компетентли бўлишни бугун ҳаёт ва замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Вазирлар, ҳокимлар, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ушбу талабларга қай даражада жавоб бера олди, ўз зиммасидаги вазифаларни нечоғли бажарди?

Бўлиб ўтган мажлисда ана шу масалалар кенг ва танқидий руҳда таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир устувор йўналишларни амалга ошириш натижасида мамлакат иқтисодиёти изчил суръатда ривожлангани қайд этилди.

Иқтисодий ўсиш 4,8 фоизни, шу жумладан саноатда — 8,3 фоизни, қишлоқ хўжалигида — 6,6 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда — 16,4 фоизни, хизматлар кўрсатишда - 14,2 фоизни ташкил этди. Инфляция даражаси 2,2 фоиздан ошмади ва прогноз параметрлари доирасида бўлди.

Ташқи савдо айланмасининг ўсиши 110 фоизни, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси — 362,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг тегишли давридагига қараганда сезиларли даражада кўпдир.

Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Бюджет даромадида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши ўсди. Аҳолининг банкка омонат қўйишдан манфаатдорлиги ошмоқда. Омонатлар ҳажми 72 миллиард сўмга кўпайди. Йилнинг биринчи чорагида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллиги олдинги йилларнинг шу давридагига қараганда анча юқори бўлди - ўсиш 4,2 фоизни ташкил этди.

Давоми 2-бетда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**19-21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан номзоди тақдим этилган С.Рашидовани Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) этиб сайлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгаришлар киритдилар. М.Абдусаломов, Г.Рустамова, Қ.Тоғаев, Й.Турсунбоев Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Ҳ.Бўриев, Б.Мустафоев ва Б.Тошевнинг ваколатлари берган аризаларига мувофиқ тугатилди.

Қонун ҳужжатларида юридик атамаларнинг тўғри ишлатилишини таъминлаш мақсадида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тузилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этди. Барча қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси ушбу Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида А.Турсунов, А.Тўхтабоев, И.Толипов, А.Козлов ўз фикрларини баён қилдилар. Ушбу Қонун ҳам қабул қилинди.

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастури лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Қўмиталар раисларининг маърузалари, савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалар ва таклифлар муҳокама қилинганидан кейин депутатлар Қонунчилик палатасининг 2005 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларини тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастури лойиҳаси таклифларни қўшимча равишда ўрганиб чиқиш, уни маромига етказиш ва кейинчалик палатанинг тасдиғига киритиш учун асос сифатида қабул қилинди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси А.Саидов «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар ҳукмига ҳавола этди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти лойиҳаси тўғрисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов ахборот берди. Мазкур ҳужжат биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**ЎзА**

## ҚИРҒИЗИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

**21 апрель куни Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Р.Отумбоеванинг мамлакатимизга амалий ташрифи бошланди. Ташрифдан мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама этишдир.**

Ташрифнинг биринчи куни Р.Отумбоева Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев билан учрашди.

Қирғизистон Республикаси ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг ташрифи дастуридан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев билан учрашув ҳам жой олган.

## ҚЎШНИЛАР МИННАТДОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хабарига кўра, Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги 20 апрель куни қуйидаги мазмундаги баёнотни тарқатди:

«2005 йил 12 апрель куни Қирғизистонга Ўзбекистондан 60 вагон гуманитар ёрдам келди. Олинган ёрдам баҳорги дала ишларини ўтказиш, шунингдек, Қирғизистон жанубида содир бўлган табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ва талофатларни тиклаш билан боғлиқ муҳим вазифаларни бажаришга йўналтирилди.

Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги яқин қўшнимиз, дўстимиз ва ҳамкоримиз бўлмиш Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига миннатдорлик изҳор қилар экан, бу олийҳиммат ва ўз вақтида қилинган ҳаракат Қирғизистонда март ойида бўлиб ўтган маълум воқеалардан сўнг ижтимоий-сиёсий вазиятнинг беқарорлашиши натижасида юзага келган гуманитар муаммоларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшишга бўлган самимий интилиш билан йўғрилганини қайд этади.

Давоми 2-бетда.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Метрология, стандартлаштириш, сертификациялаш агентлигида маҳсулотларни стандартлаштиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** 214-мактабда юқори синф ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтган «Заковат» интеллектуал ўйини «Камолот» ЁИҲ Мирообод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилди.

• **КЕЧА** 284, 322-мактабларда Сергели туман ички ишлар бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ҳамкорликларида шифокорлар, ўқувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Гиёвандлик ва жиноятчиликнинг зарарли оқибатлари» деб номланди.

• **КЕЧА** Юнусобод туманидаги Шарифхўжа Мансурхўжаев маҳалласида ҳамда 63-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган «Қайнонам — онам» мавзуидаги давра суҳбатида ёшлар ҳамда шифокорлар иштирок этишди.

• **ЎТГАН** куни 47, 264-мактабларда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

• **ЎТГАН** куни шаҳримиздаги 32-мактабда, "Чоштепа", Навоий номли маҳаллаларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш омилларига бағишлаб уюштирилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

**• Қарши шаҳрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Жанубий минтақавий илмий маркази ташкил этилди. Марказда Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг қадимий тарихи, маданияти, урф-одати ва анъаналарини қайта тиклаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш назарда тутилган.**

**• Нукус шаҳрида кўшқаватли республика ўсмирлар маркази фойдаланишга топширилди. Бинони таъмирлашга 30 миллион маблағ сарфланиб, 18 миллион сўмлик тиббий жиҳоз ва тренажёрлар келтирилди.**

**• Фарғона шаҳрида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 23 ташкилот талабгорларга 800 та иш ўрнини таклиф этди. Шу куни 80 дан зиёд киши иш билан таъминланди.**

**• Нодира номидаги Наманган вилоят кутубхонасига 9 мингдан ортиқ илмий ва бадиий китоб тақдим этилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ажратилган китоблар, ўқув қўлланмалари, журналлар ва плакатларнинг умумий қиймати қарийб 5 миллион сўмни ташкил этади.**

**• Конимех туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан бу ерда чўпонларнинг анъанавий уйлари— ўтов ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

**• Тошкентда баҳор ва янгиланиш байрами ҳамда «Динамо» спорт жамияти республика Кенгаши фаолиятига 80 йил тўлишига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

**• Саудия Арабистонида умуммиллий сайловларда овоз беришнинг сўнгги босқичи бўлиб ўтди. Бу мамлакат тарихида илк сайловлар бўлиб мутахассисларнинг фикрича, қиролликдаги давлат тизими ислоҳотига олиб келади.**

**• Италияда апрель ойининг бошларида ўтказилган маҳаллий сайловларда бошқарувчи коалициянинг муваффақиятсизликка учраши оқибатида юзага келган сиёсий таназзул сабабли Италия Бош вазири Сильвио Берлускони истеъфо берди. Бироқ у ўз расмий сайланиш муддати тугайдиган 2006 йилга қадар фаолият кўрсатиш ниятида.**

**• Перуда йирик автоҳалокат рўй берди. Йўловчи ташувчи автобуснинг Портачуэло шаҳри яқинидаги 500 метрлик жарга қулаб кетиши натижасида 24 киши ҳаётдан кўз юмди, 27 нафар йўловчи эса турли даражадаги тан жароҳатини олди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Шу билан бирга, бир қанча йўналишлар бўйича ислоҳотлар суст амалга оширилмоқда, белгиланган вазифалар эса тўлиқ бажарилмаяпти. Хусусан, мажлисда қатъий савол ўртага қўйилди: фермер хўжаликларини ташкил этиш ва мустаҳкамлашга нималар халақит бермоқда?

Бу ҳақда ва экиш кампаниясини ўтказиш борасидаги муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов ахборот берди.

Ҳозир юртимизда 117 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Биринчи чоракда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли 445 ширкат хўжалиги негизида 22,7 минг янги фермер хўжалиги тузилди.

Аммо, афсуски, ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида жойларда раҳбарлар муаммолар ечимига доим ҳам масъулият билан ёндашаётганлари йўқ. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришда ер участкалари фермерлар ўртасида тақсимланмай қолди. Бухоро, Сирдарё, Тошкент вилоятларида муқобил машина-трактор парклари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида эса ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш пунктларини ташкил этиш ишлари охирига етказилмаган. Бу масалаларни зудлик билан ҳал қилиш учун фермер хўжаликларини барпо этишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларига қатъий риоя этиш зарур. Бу борада масъул маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш талаб этилади. Мазкур масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ф.Эрманов ва Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари А.Муродовнинг ахбороти тингланди.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш истиқболларини таъминлаш бўйича устувор йўналишлар қаторида мажлисда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси: банк тузилмалари, машина-трактор парклари, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ва лизинг компаниялари тизимлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

«Пахтабанк» бошқаруви раиси А.Боймуродов ва «Ғаллабанк» бошқаруви раиси И.Ўринбоевнинг ҳисоботида тузилган кредит битимларига мувофиқ қабул қилинган шартномавий мажбуриятларни бажариш юзасидан банк тузилмалари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида сўз борди. Ислоҳотларнинг навбатдаги босқичидаги муҳим вазифалардан яна бири қишлоқ хўжалигига аванс беришнинг транш тизимидан воз кечиб, уни самарали ишлайдиган, фермерларга банк томонидан кредит бериш тизими билан алмаштиришдан иборатдир.

Мажлисда «Ўзагросуғурта» компанияси фаолияти кескин танқид қилинди. Жумладан, компания раиси П.Қозиевга суғурта шартномалари тузиш ишларининг қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борадаги ишлар асосан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришга йўналтирилаётган маблағларни қайтаришдаги таваккалчиликни суғурталаш билан чекланиб қолмоқда. Икки ой муддатда компания фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, унинг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, компания раисининг эгаллаб турган лавозимига нечоғли муносиблиги юзасидан таклифлар киритиш топширилди.

Мажлисда, шунингдек, Сирдарё ва Наманган вилоятлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — О.Ашурматов ва Ғ.Барноевнинг чигит экиш ишларини ўз вақтида туғаллаш, бошоқли дон экинларини парвариш қилиш ва уларнинг ҳосилини вақтида ўриб-йиғиб олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Таъкидландики, бошоқли дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва ғалла тайёрлаш ишларига ўз вақтида ҳозирлик кўриш, жойларда комбайнлар ва транспорт воситалари таъмирини якунига етказиш яқин кунлардаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Мажлис кун тартибига қўйилган кейинги масалалар ҳам ўта долзарб соҳаларни, жумладан уй-жой-коммунал соҳасини ислоҳ қилиш масалаларини ўз ичига олди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Тўхтаев ахборотида давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ўтган куз-қиш даврида иқтисодиёт тармоқларининг бир маромда ишлашини таъминлашда йўл қўйилган узилишлар юзасидан жавобгар эканлиги ҳамда келгуси мавсумда бундай ҳолларнинг олдини олиш зарурлиги тўғрисида гап борди. Ушбу масала муҳокамасида умумтаълим мактабларида, поликлиника ва шифохоналарда янги куз-қиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўришга эътибор қаратилди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг янада такомиллашган тизимини яратиш, соҳада малакали ва билимли мутахассис кадрларни тайёрлаш, кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш бўйича истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш — бу масалалар Ўзбекистон Президентининг яқинда қабул қилинган қарорларида аниқ белгилаб берилган.

Ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкатидаги аҳволни, нархларни шакллантириш бўйича ҳисоб-китобларни ўрганиш, коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қатъий мониторинг олиб бориш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ҳал қилишнинг оқилона ечимларини топиш — бу каби масалаларнинг ўта долзарблигига Вазирлар Маҳкамаси мажлисида алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда халқ истеъмоли товарларининг кўплаб турлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Лекин, афсуски, барча туманлар ва шаҳарларда ҳам бундай маҳаллий товарларни учратиш қийин. Бу қишлоқ жойлардаги савдо соҳасининг аҳволини тубдан ўзгартиришни талаб этади. Кўпгина ҳудудларда илгари хусусийлаштирилган чакана савдо корхоналарининг аксарияти турли сабабларга кўра фаолият кўрсатмаяпти. Саноат, улгуржи савдо корхоналари ва қишлоқ дўконлари ўртасида самарали бозор муносабатлари шакллантирилмаган.

Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекбирлашув» компанияси, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликларининг бу йўналишдаги ишларини қониқарсиз деб топди.

Мажлисда сўзга чиққанлар пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини бартараф этиш ва нақд пул тушумини кўпайтириш юзасидан солиқ ва прокуратура органлари, банк муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаганини қайд этдилар.

Кун тартибидаги охирги масала касб-ҳунар коллежлари фаолиятидаги жиддий камчиликларнинг танқидий таҳлилига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов ўз ахборотида жойларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг бажарилишига нималар тўсиқ бўлаётгани тўғрисида тўхталди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари қурилиши ва уларни жиҳозлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда ўқув муассасаларини қуриш, таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, уларни балансга қабул қилиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Бюджетдан ажратилган маблағларнинг бошқа мақсадларга ишлатилишида, коллежлар директорлари лавозимига кадрларни танлашда ва уларнинг тўлақонли фаолият юритишини таъминлашда кўплаб хатоликларга йўл қўйилган. Шу муносабат билан Тошкент вилояти ҳокимлиги раҳбариятининг (К.Тўлаганов, А.Йўлдошев) фаолияти кескин танқид қилинди.

Ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарадор тизимини яратиш, янги авлод мураббийларини шакллантириш давр талабидир.

Коллежлар ўқувчиларини касб йўналиши бўйича иқтисодиёт тармоқларининг муайян корхоналарига бириктириб қўйиш эса ёш мутахассисларни эгаллаган ихтисосликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишда қўл келади.

Бу борада сўзга чиққан Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Ш.Иброҳимов, Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари П.Тангриев, «Давархитектқурилиш» қўмитаси раиси А.Тохтаев, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори ўринбосари Қ.Каримов, халқ таълими вазири Т.Жўраевдан қўйилган вазифалар бўйича аниқ ечимлар топиш талаб қилинди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА**

# ҚЎШНИЛАР МИННАТДОРЛИГИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Қирғизистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, бош вазир Курманбек Солиевич Боқиев қардош Ўзбекистон томонидан қўйилган ушбу қадамни Қирғизистон Республикаси ҳукуматини маънавий-сиёсий қўллаб-қувватлаш ва ҳозирги пайтдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни англаш сифатида баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга миннатдорлик мактубини йўллади.

Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек, 2005 йил 16 апрель куни Қирғизистон — Ўзбекистон чегарасидаги назорат пунктларининг кундалик фаолият тартиби тиклангани Ўзбекистон томонининг мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга бўлган яхши нияти ва интилишини яққол намоён қилганини таъкидлайди.

Қирғизистон томони 1996 йил 24 декабрь куни Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида имзоланган Абадий дўстлик ҳақидаги шартномага биноан мамлакатларимиз ва халқларимизни ўзаро ҳурмат ва ўзаро ишонч руҳида янада яқинлаштиришга қаратилган Қирғизистон — Ўзбекистон ҳамкорлигининг истиқболдаги вазифаларини ҳар томонлама бажаришга қатъий содиқлигини изҳор қилади».

**«Жаҳон» АА.**

**Халқимизнинг машҳур эпоси «Алпомиш»да шундай сатрлар бор: «Мардлар олишмайди, силтаб отади». Дарҳақиқат, асрлар мобайнида эъзозланиб келинган ўзбек кураши ана шундай оловқалб паҳлавонларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёрлайдиган мактаб вазифасини ўтаб келган.**

*Анжуманлар*

# НУФУЗЛИ ТУРНИР БОШЛАНМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 23-24 апрель кунлари қадимий ва ҳамиша навқирон Термиз шаҳрида еттинчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат- Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир ҳамда кураш тарихида илк маротаба ҳар икки йўналиш бўйича фахрийлар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

КЕЧА шаҳримиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Кураш Халқаро Ассоциацияси ўзининг навбатдаги қўмита йиғилишини ўтказди. Унда Ассоциация низомига ўзгартириш киритиш, Европа ва Океания конфедерациялари ҳисоботи, ҳакамлик ва спорт ишлари муҳокамаси, кураш қоидалари асосчиси, Ассоциация президенти Комилжон Юсуповнинг «Кураш қоидалари, техникаси ва тактикаси» номли китобининг инглиз тилидаги нашри тақдимоти сингари масалалар кўриб чиқилди.

Кутилганидек, ташкилот аъзоларининг хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун юқорида қайд этилган йирик спорт тадбирига тайёргарлик ишларининг бориши, уни юқори савияда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам тингланди. Унда спорт журналистлари ўзларини қизиқтирган бир қанча саволларга жавоб олдилар. Қизғин мунозара, қизиқарли баҳс руҳида ўтган учрашувда ўзбек кураши бўйича қисқа вақт ичида бешта қитъада Кураш конфедерациялари (Африка, Жанубий Америка, Европа, Океания, Осиё) ташкил этилганлиги, 80 га яқин федерацияларининг расман фаолият юритаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, эртага бошланадиган нуфузли спорт турнирига беш қитъадан ташриф буюрадиган 30 га яқин давлатнинг шеркелбат полвонлари мутлақ вазн тоифасида гиламга чиқадилар. Мусобақанинг мутлақ ғолибини 17,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги Президент соврини кутмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 23 апрель куни Термиз шаҳридаги «Алпомиш» марказий ўйингоҳида Фахрийлар ўртасидаги тарихий биринчи жаҳон чемпионати, 24 апрелда эса Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир мусобақалари бўлиб ўтади.

Биз ушбу нуфузли мусобақаларда юртимиз полвонларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Солиқ тўловчилар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун жавобгарлик борми?**

**М.Хусанов,**
**муҳандис**

Солиқ Кодексининг 133-моддасига мувофиқ, агар солиқ тўловчи субъектлар (фуқаролар, тадбиркорлар, юридик шахслар ва ҳоказолар) давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текширув ўтказилган (аниқланган) кунгача бўлган муддатда ўзлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни мустақил равишда бартараф қилсалар у ҳолда белгиланган жавобгарликдан озод этилади.

Шунингдек, солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ ва мажбурий йиғимларнинг бирон тури бўйича ортиқча тўпланган қисми бошқа тўланмаган солиқ ёки йиғимнинг тўланмаган боқиманда ўрнини қоплаган тақдирда ҳам жавобгарликдан озод қилинади.

* * *

**Мен ишлаётган корхонада ўн нафар ходимга мажбурий тарзда таътил бериб юборилди. Ходимнинг мажбурий бекор юрган вақти учун ҳақ тўланиши керакми?**

**Ф.Баратов,**
**ишчи**

Меҳнат Кодексининг 188-моддасига мувофиқ ходим меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум қилинган барча ҳолларда, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаслик оқибатида келиб чиққан мажбурий равишдаги бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундиришга ҳақли.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилиниши туфайли юзага келган меҳнат низоларини кўриб чиқиш пайтида мажбуран ишланмаган вақт учун ходимнинг талаблари меҳнат низоларини кўриб чиққан суд ёки меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан бир йилдан кўп бўлмаган вақт учун қондирилади.

* * *

**Апельсин мевасининг жуда фойдали эканлиги ва яна яра-чақаларни ҳам тузатиши ҳақида эшитиб қолдик. Шу тўғрида маълумот берсангиз.**

**Ш.Отабоева,**
**Ф.Исломова**
**уй бекалари**

Бу мева пўчоғи таркибида организм тўқималарини янгилаш жараёнига ёрдам берувчи, терини тинчлантириш ва яра-чақани битказиш хоссасига эга моддалар мавжуд.

Қариётган ва ажин тушган юз терисини парвариш қилиш учун ўзингиз малҳамни тайёрлашингиз мумкин. Бунинг учун иккита апельсин, бир пиёла табиий мева сиркаси (уксус) керак бўлади. Апельсинларни пўчоғидан нафис қилиб арчинг. Пўчоқларни майдаланг, малҳам ёпиладиган идишга тахлаб чиқинг ва мева сиркасини апельсин пўчоғини ботадиган қилиб қўйинг. Бу аралашмани ёруғ ва иссиқ жойга икки ҳафта мобайнида тиниб туриши учун қўйинг. Бу вақт ичида апельсин пўчоқлари сиркага ботиб турган бўлиши керак. Сўнгра идишдаги суюқликни сузиб олинг. Ҳосил бўлган суюқликка тенг қилиб совиган қайнатилган сув қуйинг.

Шу ўринда бир нарсага диққат қилиш лозим. Апельсин пўчоғи экстрактини аралаштирмай ишлатиш мумкин эмас.

Апельсиннинг эфир мойи ҳам фойдали хоссаларга эга.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**
**Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов

# ОХУНЖОН ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

Башанг кийиниб олган Афанди кўчада кетаётган эди, чинор тагида ўтирган икки иғвогарга жон кирди:

— Райимқул фаранг, анавига қаранг, — деди Қосим бекорчи Афандини кўрсатиб, — оладиған маоши фалон сўму эгнидаги пальтосини кўринг, нархи бамисоли отнинг калласи. Бир балоси бўлмаса бунақа пальтони қаёқдан оларди, лаббай!?

— Балли, бекорчим, ўғрилик қилса керагов, — деб минғирлади фаранг, — уни суриштириб кўриш лозим. Панада ўтириб, иғво қилаётганларнинг минғир-минғирини эшитиб, Афандининг жаҳли чиқибди. Эртасига нима дейишаркин, деб атайлаб эски жулдур кийимларини кийиб чиқибди.

— Райимқул фаранг, анавига қаранг, — дебди Қосим бекорчи носқовоғи билан Афандини кўрсатиб, — роса расво бўлибди-ку!

— Ҳа-я! Бу аҳволда юрганидан кўра без тергани ё ўлгани яхши!

Шундан кейин Афанди бир ўлиб кўрай-чи, бу иғвогарлар яна нима деркин, дея тўртта жўрасини чақириб маслаҳатлашибди. Хатто, у жўраларига нимани айтиб йиғлашларигача ёзиб берибди. Эртасига жўралар тобутни кўтарган ҳолда йиғлаб, чинор тагидан ўтишаётганда Райимқул фаранг Қосим бекорчини туртибди:

— Очкўз Афанди гап-гаштакда овқатни кўп еб, бўкиб ўлганга ўхшайди.

Афанди энди буларнинг иғвосига ортиқча чидаёлмай, тобутдан шартта бошини кўтариб, бақирибди:

— Ҳов, сувюқмас куйдиргилар! Яхши кийиниб қутулмасам, ёмон кийиниб қутулмасам, ўлиб қутулмасам, яна нима қил, дейсизлар!

Ўликнинг тирилганини кўрган ғийбатчилар ҳушларидан кетиб, йиқилибдилар.

* * *

Тошкентга биринчи келганида Охунжон қизиқ Эски Жўвада сартарошхонага кириб, Исроил сартарошга дуч келибди. Сартарош одатдагидек, мижозни зериктириб қўймасликка уриниб, гапираверибди-гапираверибди, қизиқчининг қулоғини қоматга келтирибди.

— Ҳар дона сочимга биттадан гап айтдингиз, энди етар. Буёғига бас қилинг!

Бу гап сартарошга андак қаттиқ тегиб, мижозни боплаб туширмоқчи бўлибди. Соч-соқол олишни роса чўзиб, охири хизмат ҳақига катта пул сўрабди.

— Намунча қиммат?

— Соч-соқолни олдим, юз-бошингизни силадим, елкангиз билан гарданингизни уқаладим, қулоғу бурундаги мўйларни қирқдим, пахта ҳўллаб чеккаларингизни артдим ва ҳоказо ва ҳоказо, акажон!

— Унда айтингчи, бир грамм қон учун донорга қанча тўлашади?

— Билмадим.

— Билмасангиз билиб олинг, бир грамм қон мунча сўм бўлади. Сиз менинг ўн жойимни кесиб, пахта экдингиз. Демак, ўн грамм қон кетди. Шунинг учун менга сиз пул берсангиз, ҳисоб-китобда орамиз очиқ бўлади-қўяди. А, лаббай!

* * *

Чойхона сўрисида ўтирган ҳазилкаш оғайнилари Охунжон қизиқни ош харажатига туширишни ниятида уни зимдан кузатишибди. Ўша куни қизиқчи янги сотиб олган велосипедини миниб, келиб, толга суяб қўйибди-да, у-бу сотиб олиш учун дўконга кириб кетибди. Пайт пойлаб ўтирган ҳазилкашлардан бири оёқ учида келиб, велосипеднинг ғилдиракларидан дамини чиқариб кетибди. Дўкондан чиқиб, Охунжон қизиқ қараса, велосипед абгор ҳолда. "Бу ишда бир сир борга ўхшайди", деб қўйибди ўзича. Кейин у велосипедини елкасида кўтариб, йўлга тушибди. Уни кўрган сўридагилар гўё ўзларини билмасликка олиб, гап қотишибди:

— Велосипед қутлуғ бўлсин, Охун ака!

— Шунчалик аяйсизми, сиз уни миниш ўрнига у сизни миниб олибди-ку!

— Зап янги велосипед экан, оғайни, ювайлик!

Сўридагилар бирин-сирин келиб, Охунжон қизиқни ўраб олишиб, "Ювайлик", деб қисташаверибди. "Сир"нинг тагига тушуниб етган Охунжон қизиқ қўл силтаб, улфатларига дебди:

— Э-э! Кўрмаяпсизларми! Сизлардан чаққонроқ бир ювувчи аллақачон ювиб, кафанлаб қўйибди, энди мен буни кўмгани олиб кетяпман!

*Ўқинг, қизиқ*

## ҚАЙСИ РАНГНИ ЁҚТИРАСИЗ?

Киши психологияси билан шуғулланувчи олимларнинг айтишларича, одамларнинг қайси рангни ёқтиришларига қараб уларнинг ким эканлиги, қандай характерга эга эканлигини айтиб бериш мумкин экан.

**Яшил ранг.** Бу рангни севувчилар жуда ҳиссиётли, нозик дидли, табиатни яхши кўрувчи, эркин ва озода бўлишни истовчи, ишқ бобида вафодор ва ишончга лойиқ кишилардир.

**Қизил ранг.** Бу рангни севувчи кишилар қизиққон, ҳаракатчан, тезда бир қарорга келувчи, жаҳли тез, ҳар бир ишга аралашиб можаро чиқаришни яхши кўрувчи кишилардир.

**Сариқ ранг.** Бу рангни ёқтирадиган одамлар тушунган, равшан фикрли кишилардир. Улар хаёлга берилувчан, вафодор, ҳасадчи, афсонага айланиш даражасида севишга уринувчи бўладилар.

**Кўк ранг.** Бу рангни ёқтирувчилар ички оламдан кўра ташқи оламни, ички гўзалликдан кўра, ташқи гўзалликни севувчи бўладилар. Улар ақлли, ҳушли, ишқда вафодор, қатъиятли, бир ишни қилишга аҳд қилсалар, қилганларидан кейин афсус чекмайдиган кишилардир.

**Бинафша ранг.** Бу рангни ёқтирувчилар иззатталаб, ҳаммадан кучли бўлишни истовчи, мижози доим ўзгариб турувчи, ҳаёти доимо ғалаёндан иборат бўлган одамлардир.

**Оқ ранг.** Бу рангни севувчилар покиза, масъум кишилардир. Бошқаларга нисбатан мулойим, совуққон, ҳиссиёти эса камроқ бўлади.

**Қора ранг.** Бу ранг бадбин ва низоталаб кишиларнинг севган рангидир. Бундай кишилар кам кулади, тунд бўлиб юради. Ишқ бобида ўзбилармон. Бир кўз қарашда севиб қоладиган бўладилар.

## ҚУВНОҚ САТРЛАР

Эр яна маст бўлиб келди. Хотиннинг жаҳли чиқди ва сўради.

— Айт, яна арақ ичасанми?

Эр индамади. Хотини қўлига супурги олиб яна дўқ билан сўради.

— Гапир, яна ичасанми?

— Ҳа, майли, — деди ва чўнтагидан стакан олиб узатди. — Қуй, ичганим бўлсин.

* * *

Бемор чўнтагидан ҳамёнини чиқариб, пулларини ҳовлиқиб санай кетди.

— Илтимос, ҳозирча шошилманг, операциядан кейин бир йўла ҳисоблашамиз, — деди жарроҳ.

— Йўғ-е, мен пулларим жойидамикан деб хавотир олаётгандим.

* * *

Ота ўғил жарроҳ бўлишга қарор қилди.

— Аҳмоқ, — деди ота, — яхшиси тиш доктори бўл.

— Нега ота?

— Чунки одамда юрак битта бўлади, тиш эса 32 та. Бириси бўлмаса, бириси оғриб туради.

* * *

Бир донишманд табибдан сўрашибди.

— Аё тақсир айтингчи, бўсанинг мижози иссиқми, совуқми?

— Унисини аниқ билмайману, лекин кўпи кўнгилни айнитади, — деб жавоб берибди табиб.

# УВОЛДАН ҚЎРҚҚАН ОДАМ

Ҳажвия

Султон амаки матбаа корхонасида ишлайди. Топиш-тутиши чакки эмас. Лекин турмушдан нолигани-нолиган, зорлангани-зорланган. Якшанба кунлари ҳам оёқ-қўлини узатиб ўтирмайди. Бодроқ қовуриб, сотилганини сотиб, сотилмаганини шишаларга алмаштириб келади. Уйига пашша учиб кирганини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Кимам кирарди? Кирган одамларга рўйхуш бермаса, қўшниларнинг боласи кириб қолса тирақайлатиб қувласа... Унинг юриш-туриши ҳам ғалати. Худди бировдан аразлагандай қовоғини солиб, ер чизиб юради.

Султон амаки бир куни мени кўчада кўриб, кўярда-қўймай уйига бошлади. Тут пишиғи эди. Султон амакининг ҳовлисида бир туп тут бор, деб эшитган эдим. Ҳойнаҳой тутхўрликка таклиф қилган бўлса керак деган хаёл кўнглимдан ўтди. Ҳовлига киришим билан кўнглимни ноxуш бир кайфият қамраб олди. Чунки ҳовли бефайз, кўримсиз эди. Гўё бехосдан вайронага кириб қолгандай бўлдим. Эски-туски тоғораларда, қинғир-қийшиқ шишаларда уюлиб ётган шишаларни, банкаларни кўриб, таъбим баттар хира бўлиб кетди. Султон амаки бу матоҳларни ҳойнаҳой сара бодроққа алмаштириб олиб келган бўлса керак...

Уй соҳиби мени зах, рутубатли хонага бошлаб кирди. Токчаларга эски-туски газет-журналлар, китоблар, рисолалар бетартиб айқаш-уйқаш қилиб тахлаб ташланган эди.

— Ўғлим, деб гап бошлади Султон амаки ич-ичига чўкиб кетган кўзларини менга тикиб. — Рўзғор тебратиш қийин. Уч марта уйландим. Учала хотин ҳам рўзғор тутиш нима, тежаб-тергаш нима билмади. Шунинг учун аввал бошдан рўзғор жиловини қўлга олдим. Хотинларимга шу одатим ёқмади, учаласи ҳам кетиб қолди. Катта хотинимдан битта ўғлим бор. Уйланган. Келиним раймимга юрар десам, у ҳам юрмади. Болалар боғчасида ишлайди. Боғчада нима кўп, қолган-кутган ошнон кўп. Жужуқлар олдига қўйилган ҳамма таомни еб тамом қилади, деб ўйлайсизми? Йўқ... ярмидан кўпини тўкиб-сочиб ташлайди. Шуларни йиғиб-териб олиб келинг, нонларни қотириб еймиз, овқатларни тановул қиламиз, савоб бўлади, десам, ўламан саттор олиб келмайман, дейди. Ношуд ўғлим хотинига сўзини ўтказа олмайди.

Султон амакининг ҳасратларидан зерикиб, қўл соатимга бир-икки қараб қўйдим. У буни дарҳол пайқади.

— Шошиб турибсизми, деймана?

— Ҳа, дегандай бош ирғаб қўйдим.

— Менинг ҳам вақтим зиқ, тут қоқиб тоғорага солиб қўйибман. Бозорга оборик пуллаб келишим керак. Қуш тутга ўч бўлади. Қўриқлаб турмасам бўлмайди. Шу неъмат нес-нобуд бўлиб кетмасин деб таътилга чиқдим.

Султон амаки ўрнидан туриб токчадаги журналлардан бир боғламини олиб, олдимга қўйди.

— Ўғлим, ўзингизга маълум, босмахонада нима кўп, газет-журнал кўп. Илгари носфурушларга пуллаб турардим. Елим халта чиққандан кейин буларнинг бозори ўлди. Сизни газет-журнал ўқишга ўч деб эшитганман. Шулардан кераклигини танлаб-танлаб олинг...

Султон амакининг гапи ерда қолмасин деб бешта журнал олиб ўрнимдан турдим.

— Бошқа олмайсизми? — деди у.

— Йўқ...

— Аттанг, — деди Султон амаки бошини сарак-сарак қилиб. — Ҳаммасини олсангиз керак, деб ўйловдим.

— Амаки, буларни нима қиласиз? — дедим токчаларда чанг босиб ётган газет-журналларни кўрсатиб.

— Ие, ўғлим, булар мулк-ку, мулк. Раҳматли падари бузрукворимиз «болам, чўп бўлса ҳам кўп бўлсин» дер эдилар. Отамизнинг ўша гаплари гап. Харидор чиқса сотиб юбораман, бўлмаса тураверади, бир кун келиб кунимизга яраб қолар...

— Шошманг ўғлим, деди мени ҳовлига кузатиб чиққан Султон амаки, — уйдагиларга тут олиб кетинг...

— Йўқ-йўқ, овора бўлманг, — дедим хижолат бўлиб.

— Э, ўғлим овораси бор эканми. Тут фойдали неъмат. Бозорда бир банкаси палон пул.

Султон амаки елим халтага санаб тўрт банка тут солиб қўлимга тутқазди. Хайрлашиб энди кетмоқчи бўлиб турган эдим.

— Ўғлим, — деди у менга таъмагирлик билан қараб. — Ҳисобли дўст айрилмас, дейдилар. Тут — тўрт юз сўм, бешта журнал уч юз сўмдан... Ҳаммаси бир минг тўққиз юз сўм пул бўлади...

Айтган пулини бердиму қилган ишига ҳайрон бўлиб қолдим.

— Нега анқайиб қолдингиз? — деди менга ғалати қараб. — Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор.

— Амаки, сиз мабодо Қори Ишкамбага қариндош эмасмисиз?

— Ишхонадагилар ҳам шундай деб қиқир-қиқир кулишади. Аммо, лекин мени унақа деган қариндошим йўқ. У ўзи қанақа одам?

— Хасис одам...

— Ўғлим, мени унақа одам деб ўйламанг. Мен уволдан, исрофгарчиликдан қўрқаман.

**Туроб АКБАРХЎЖАЕВ**

*Латифа*

## НЕГА МЕНИНГ ҲИСОБИМГА?

Катта йўл ёқасидаги тол тагида қурт, писта, сақич, сигареталарни курсичага жойлаб, харидорга интизор Тошмат баққол ҳеч кутилмаганда қаршисида тўхтаган тим қора рангли хорижий русумли машинага бақрайиб қолди. "Мерседес" ичидан садо чиқмади. Лекин унинг ойнаси тўрт энлик туширилиб, битта минг сўмлик хазонрезги пайтида учиб тушадиган япроқдек, кўзи олдида "қанот қоқди".

Тили остидаги носни туфлаб ташлашни ҳам ёхуд "қайси сигаретадан узатай" дея сўз қотишни ҳам билмай анграйган баққол ўзига келгунча маҳобатли машина визиллаб елиб кетди.

"Ёмон туш кўргандир", "Бебилиска пул тушган бўлса, кел шунга хайр-эҳсон қил, деган ваҳий келгандир", каби тахминлар гирдобида қолган Тошмат ота "Топган-тутганингга барака берсин", дея ўзича ғудурланиб, қўлини фотиҳага очиб, дуо қилгандай бўлди.

Эртаси куни яна тахминан ўша вақтда "Мерседес" чол рўпарасида пайдо бўлди. Худди кечагидек яна қора ойна тирқишидан узатилган битта минг сўмлик оёғи остига тушди. Тошмат баққол бу гал ҳам пулни олгунча, машинанинг қораси ўчиб бўлганди.

Бу манзара эртаси куни ҳам, индинига ҳам, хуллас бирор ўн кун такрорланаверди.

Яратганнинг чалпаги тугаб қолдими, ёки бирор бошқа кор-ҳол юз бердими номаълуму, бироқ кўзни мошдек очирадиган машина ҳам, белни бақувват қилаётган мулла жирингнинг ҳам дараги ўчди.

Баққол курсисини кўча четига тонг саҳардаёқ олиб чиқиб олиб, кўз илғагунча йўл пойласа ҳам ўртанган кўнгилга томчидек нажотдан дарак йўқ эди.

Чолнинг ҳар кунги хайр-эҳсондан илинжи узилган эди ҳисоб, бирдан яна ўша фарзандидек таниш "Мерседес" олдида гижинглаб тўхтади. Яна ойна туширилаётганини кўрган Тошмат баққол гавдаси билан машинага ташланди. У узатилаётган минг сўмликка ҳам қарамасдан ойна тирқишидан ҳайдовчига ҳовлиқиб деди:

– Бирингга минг бергур, тинчликми, нега йўқолиб қолдинг, кўзларим тўрт бўлиб кетди-я!

– Э, отахон, бир курортга бориб келдик-да, -биринчи бор садо эшитилди "Мерседес" ичидан.

– Ия, қизиқ одам эқансан-а, астойдил жаҳли чиқаёзди баққолнинг. –Дам олсанг, менинг ҳисобимдан дам оласанми!

**Тўпловчи Дониёр ЭРКИНОВ**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

# «02»: ҲОДИСАЛАР

**Одамлар орасида ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш ўрнига турфа хил ножўя йўллар орқали мўмай даромад орттиришни кўзлаган нопок кимсалар ҳам учрайди.**

Ҳозирда Сергели тумани ИИБ тергов бўлимида сўроқ қилинаётган Муҳаббат кўчасида яшовчи М.Марат ва Ҳолбой исмли йигитлар ҳам ана шу тоифага мансуб эканликларини яна бир бор исбот этдилар. Гап шундаки, бу икковлон ўзаро тил бириктириб, туманнинг Дарё бўйи кўчасида жойлашган «Самоиддин» тижорат дўконига бостириб кириб, сотувчини қўлларидаги совуқ қурол билан қўрқитадилар ва кассадаги пулларни осонгина эгаллаб олиб жуфтакни ростлашга ҳозирланадилар. Аммо «Бировнинг моли ўзгага буюрмас» деганларидек, ушбу босқинчилар ҳам ниятига етолмай қолдилар. Чунки, ушбу масканда хизмат олиб бораётган профилактика инспекторлари уларнинг йўлига ўз вақтида тўғаноқ бўлиб, қўлга олишди.

● Чилонзор туманида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган М.Равиль исмли кимса ўз нафси илинжида бирмунча ўзгачароқ йўл билан жиноятга қўл урди. У Алгоритм мавзесидаги 20-уй олдида Сергели туман 8-даҳада жойлашган 66-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Н. Шамшиев бошқарувидаги «Тико» русумли автоуловга йўловчи тариқасида ўтириб, Гулистон мавзесидаги 59-уйнинг рўпарасига етиб келганида, кутилмаганда у ҳайдовчини пичоқ билан қўрқитади ва машина калитини қўлга киритади. Сўнгра эса, машинани ўт олдириб, эндигина жуфтакни ростламоқчи бўлаётганида ўйлаган режаси барбод этилади. Воқеа жойига етиб келган ички ишлар ходимлари унинг қўлларига кишан солдилар ва зудлик билан ИИБ Навбатчилик қисмига элтиб қўйдилар.

● Мирobод тумани ИИБ ходимлари томонидан ўғирлик жиноятини содир этган «Ўзгариш» даҳасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Г.Максим ашёвий далиллар билан ушланди. Мазкур жиноий ҳаракатнинг асосий «қаҳрамони» туман ҳудудида жойлашган «Фарғона» деҳқон бозори олдида қолдирилган Саноатчилар кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Абашидзега тегишли «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси ичидан «Аидовокс» уяли телефонини ўмариб кетган. Аммо ўғрининг қилмиши фош этилиб, ҳозирда у қонун олдида жавоб бермоқда.

● Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти, Сарағоч тумани фуқароси С.Сарсен исмли кимсани бўлса Юнусобод тумани ИИБ ходимлари ўғирлик жиноятини содир этиб, қочиб юрганлиги боис қўлга олдилар. Олиб борилган дастлабки тергов жараёнида унинг Юнусобод тумани, 13-мавзесида жойлашган 5-уйнинг фуқаро Л.Қаипбергановага тегишли 35-хонадонидан «Орск» музлатгичи ҳамда умумий нархи 490000 сўмлик турли уйрўзғор буюмларини ўмариб кетганлиги тўла-тўкис исботланди. Бугунги кунда айбдор устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● Яккасарой тумани ИИБ навбатчилик қисмига Муқимий кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Бурхонов томонидан хабар тушди. Унда баён этилишича, уйида номаълум шахслар томонидан ўғирлик жинояти содир этилиб, жами нархи 200000 сўмни ташкил этувчи буюмлар ва кийим-кечаклари ҳамда жавонида сақланаётган 100000 сўм пуллари ғойиб бўлган. Воқеа жойида ҳозир бўлган тезкор-тергов гуруҳининг кўрган чора-тадбирлари натижасида мазкур жиноий ҳаракатни содир этган шахс қисқа фурсатлар оралиғида аниқланди. У Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган А.Раҳимжон деган йигит экан.

**Самариддин ҲАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ходими. ходими.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан соғлом ва бақувват этиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси ўз хайрия тадбирларини кенг доирада давом эттирмоқда.**





*Танловлар*

## ҒОЛИБЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР

Жумладан, ҳар йили мунтазам равишда ўтказиладиган тадбирлардан бири Республика Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий тарзда ташкил этиладиган "Камалак жилоси" расмлар кўрик-танловидир.

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида "Камалак жилоси" республика расмлар кўрик танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Ушбу танлов, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси раиси Дилбар Алимжонова, — 1997 йилдан буён ўтказилиб, болаларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада оширишга, иқтидорли ёшларни аниқлашга, уларнинг тасвирий санъатга ва бадиий ижодга бўлган қизиқиш ва эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Танлов Ўзбекистондаги Миср Араб Республикаси элчихонаси маданият маркази, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Замонавий санъат маркази билан ҳамкорликда ўтказилади.

Мазкур танловда Республикамиздаги Меҳрибонлик уйларининг 1500 нафар тарбияланувчилари иштирок этиб, вилоят босқичларида ғолиб деб топилган 136 нафардан ортиқ акварел расмлар ва 75 дона амалий санъат асарлари кўрик-танлов кўргазмасига тақдим этилди ва ҳайъат азолари томонидан тасвирий асарлар йўналишида 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган иштирокчилардан 3 нафари, 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилардан 3 нафари амалий санъат асарлари йўналишида, жами 12 нафар ғолиблар ҳамда "Энг яхши асар" ва моҳир қўллар соврини учун 3 нафар ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, пойтахтимизнинг 21, 22, 23, 24, 30, 31-сонли Меҳрибонлик уйларининг иқтидорли тарбияланувчилари "Энг зўр расмлар" танлови бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Тадбир якунида шаҳардаги Меҳрибонлик уйлари ижодий гуруҳлари ўзларининг концерт дастурлари билан иштирок этдилар. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Барча иштирокчилар ва таклиф этилган болаларга "Соғлом авлод учун" ва "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Жасур МЕЙЛИЕВ**

**СУРАТЛАРДА "Камалак жилоси" Республика кўрик-танловидан лавҳалар.**
**Наталья Семёнова олган суратлар**

*Тадбирлар*

## ҚОНУНБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИДА

**Куни кеча «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши қошидаги «Посбон» маркази ташаббуси билан туман ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида Шайхонтоҳур туманидаги 34, 45, 84, 102 ва 254-мактаблар ўқувчилари ва туман ИИБсида профилактик ҳисобда турган вояга етмаган ёшларни жалб қилган ҳолда, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида «Қонунбузарлик ва жиноят содир этишнинг оқибатлари» мавзусида тадбир ўтказилди.**

Тадбирда туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, подполковник Ж.Мираҳмедов, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи бошлиғи, майор Б.Тангрибердиев ва 34-ўрта мактаб директори Н.Маҳмудовалар сўзга чиқиб ҳуқуқбузарлик, жиноят, гиёвандлик ва диний экстремизм оқимига кириб кетишнинг оғир оқибатлари ва бу ҳолатлар бўйича шахсларнинг жавобгарликка тортилиши тўғрисида иштирокчиларга кенг ва батафсил тушунчалар беришди.

Шунингдек, минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деган нақлга амал қилган ҳолда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ва туман ИИБ ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этгани учун туман ИИБда профилактик ҳисобда турувчи 35 нафар вояга етмаган ўсмирлар «Зангиота» болалар меҳнат колониясига олиб борилди.

— Ўтказилган барча учрашув ва ташрифлардан мақсад колониядаги тенгдошларининг яшаш шароитлари ва қатъий тартибда кун ўтказишларини кўрган ўсмирларда, шу кундан бошлаб, тўғри хулоса чиқаришлари ҳамда келгусида вояга етмаган ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларни комил ва ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда ота-оналар, мактаб ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари аъзоларига яқиндан амалий ёрдам бериш, — деди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими қошидаги «Ёшларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш мажмуаси» раҳбари Жуманазар Жонибеков.

Тадбир охирида ёшларни қизиқтирган барча саволларга тадбир ташкилотчилари томонидан жавоблар берилди ва улар ички ишлар идоралари фаолиятида жиноят ва ҳуқуқбузарликка қарши курашда қўлланиладиган техника, қуроллар ва эксперт-криминалистика соҳасига тегишли аппаратлар билан таништирилди.

**Нодира НИЗАМОВА,**
**«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими.**

**Тошкентда "Театр баҳори — 2005" фестивали бошланди. Унда маданият уйлари, мактаблар қошида ташкил этилган жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг 12 та ҳаваскорлик жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.**

## ТОШКЕНТДА — ТЕАТР БАЙРАМИ

Рус маданият маркази ҳамда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур театр байрами жорий йилнинг 26 апрелига қадар давом этади. Фестивалда Ўзбекистонда яшаётган немис миллати вакиллари маданият марказининг "Ёшлик юлдузи", грек маданият жамиятининг "Ахтида", шунингдек Навоий шаҳридан "Феникс" театр-студиялари ижодий жамоалари иштирок этишмоқда. Фестиваль иштирокчилари — ҳаваскор актёрларни бадиий ижод, гўзалликка бўлган эзгу интилиш бирлаштириб туради.

— Фестиваль якунида "Энг яхши ижро этилган сиймо", "Энг яхши сценарий", "Энг яхши режиссура" номинациялари бўйича ғолиб бўлганлар махсус совғалар билан тақдирланади, — деди Ўзбекистондаги рус маданият маркази ходими, ҳайъати аъзоси Виктория Киселёва "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги мухбирига.

**"Туркистон-пресс"**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

**1 апрелдан 1 майга**

қадар республикамиз ҳудудида "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Сизларни ушбу хайрли тадбирда фаол иштирок этиб, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишингизни сўрайди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**
**республика бирлашмаси**

*Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки*

**2005 йил 18 мартдан**

**Диққат! Диққат!**

**КУТИЛМАГАН ВОҚЕА**

Тошкент Давлат циркида

**ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ**

транзит йўли асосида жаҳонда ягона

**РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ**

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг!
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.
Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз шоумизда кутамиз. Келганингиздан афсусланмайсиз!!!
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очиқ.

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳар кимнинг ичи болалар ноғораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса дарвозасини қиртишлайди.

● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

**Сўз айтсанг сен фақат**
**фойдали сўз айт,**
**Бу билан жой олгин**
**элнинг дилидан.**
**Бўлмаса сўзламай жим**
**ўтир, чунки,**
**Инсонга не келса келар**
**тилидан.**

● Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун путур эканини билмайдилар.

● Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Ҳар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеъллликда, дўстлик сабаби очиқ юзлиликда, жудолик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуғлик сабаби тавозе.

● Анушервон бир куни Юнондан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:

— Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

● Ҳормуз ҳаким сўзларидан. У айтади:

— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилик, тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлмасин!

2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг раҳбарияти ва жамоаси умумий жарроҳлик кафедраси, болалар жарроҳлиги ва тиббий-профилактика факультети жарроҳлик касалликлари курсининг доценти Салоҳиддин Раҳматуллаевга укаси

**Сирожиддин Оловиддинович РАҲМАТУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## УЧРАШУВ

Уни автобусда учратиб қолдим. Саломлашиб қўл узатсам, қучоқ очиб кўришди.

— Эй бормисиз Зийрак бобо, кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлиб кетдику.

— Вой тавба, дейман ўзимга ўзим. Бу одам нега бирдан бунчалик ўзгариб, менга бўлган меҳри яна товланиб қолди. Кечаси билан мени туш кўриб чиққан шекилли-да. Ахир яқингинада саломимга истар-истамай бош қимирлатиб, баъзан эса кўриб-кўрмасликка олиб ўтадиган одам бирдан 180 даража ўзгариб қолса ғалати туюларканда. Нега ҳамиша хизмат машинасида юрадиган бу собиқ дўстим бугун оддий йўловчилар автобусига чиқиб қолибди? Ишқилиб эгаллаб турган лавозимидан кетмадимикан? Шундай хаёлларда у нима деди, мен нима деб жавоб бердим билмай қолдим. Охирида:

— Мен тушаман. Келинг, бафуржа гаплашамиз, — дея автобусни тарк этди.

Биз Мусоқул билан ҳамкурс эдик. Бир-биримизга ғамхўр, қадрдон эдик. Яна ҳам тўғрироғи, бир майизни тенг бўлиб ердик. Беш йил ёнма-ён ўтириб ўқидик. Институтни тугатиб бир жойда ишладик. Орадан йиллар ўтиб, мени бошқа корхонага юқорироқ ишга таклиф этишди. Бундан хурсанд бўлсамда, лекин ўз қадрдон корхонамни, у ерда орттирган дўстларимни ташлаб кетгим келмади. Шунда Мусоқул:

— Сен қанақасан ўзи? Омадинг келиб бошингга бахт қуши қўниб турса-ю, сен уни ҳайдасанг, ўша ишга ўт. Агар жуда хоҳламасанг мени тавсия қил уларга.

Шундай бўлди. Менинг ўрнимга Мусоқул ўтди. Вой ўшандаги унинг қувончи, миннатдорчилиги.

— Мен топган дўстларимнинг ичида энг биринчиси ҳам, энг қадрдони ҳам сенсан, — дея қучоқлаганлари ҳамон эсимда.

Орадан йиллар ўтди. Мусоқул мансаб пиллапояларидан кўтарилиб борди. У билан алоқамиз йил сайин узоқлаша бошлади. Бир-икки бор ишхонасига қўнғироқ қилсам иши кўплигини айтиб хушламайгина гаплашиб гўшакни жойига тез қўядиган бўлди. Бора-бора ўртамиздаги алоқа узилди. Тўй-туркунларда баъзан учрашиб қолсак, бир тўда ҳамкасблари даврасида бўлар, мен эса ботиниб унинг олдига боролмасдим. У менга кўзи тушган тақдирда ҳам узоқдан бош қимирлатиб қўя қоларди.

Бир куни юзма-юз келиб қолдик. Мусоқул одатдагидек ҳамкасблари даврасида эди. Кўришай деб олдига бир-икки қадам қўйган эдим, у овора бўлма дегандек бош қимирлатиб, бепарво ўтиб кетаверди. Кўпчилик олдида мулзам бўлиб қолдим. Шундан кейин у билан узоқдан бўладиган салом-алигимизга ҳам чек қўйилди. Кўрсак кўрмагандек ўтадиган бўлдик. Бугун эски қадрдонлардек кўришганимиз ўша Мусоқул эди.

Кейин билсам, чиндан ҳам у олдинги ишидан четлатилган, ҳозир қандайдир бир кичик корхонада бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаётган экан. Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

## ИНСОФ САРИ БАРАКА

Бозорларимиз тўкин, сочин. Истаган нарсангизни топасиз. Айниқса мева-чевалар растасига кирсангиз қишда ҳам худди ёздагидек тўкинчиликка дуч келасиз. Сархил ноз-неъматлардан кўзингиз қамашади. Унисидан буниси, бунисидан униси чиройли кўринади кўзингизга. Қай биридан танлашни билмай туриб қоласиз. Ёқтирган маҳсулотингизга яқинлашиб нархини сўраб-суриштирасиз. Лекин нархи чақиб оладиган даражада баланд. Кейин нариги томонга ўтасиз. Барибир худди олдиндан келишиб олгандек сизга бир хил нархни айтишади.

Яқинда уйимизда ўтадиган кичик бир йиғинга зарур бўлган ноз-неъматларни харид қилгани «Олой» бозорига бордик. Бозор гавжум. Олувчидан сотувчи кўп. Расталардаги чиройли қилиб териб қўйилган олма, нок, анор, борингки турли-туман маҳсулотлар «Мени олинг» дегандек кўзингизга яққол ташланиб туради. Лекин юқорида баён этганимиздек нархи чақади.

— Нега бунақа қиммат? — сўраймиз сотувчидан.

— Ўзи шунақа нархга келяпти бизга ҳам акажон. Сиздан бизга хизмат ҳақимиз учун ақалли 50 сўм пулингиз қолади холос.

Қайси сотувчига учраманг шу гап. Бу кунда-шундалар ўзларининг олибсотар эканликларини яширишмайди. Унга ҳожат ҳам йўқ. Ҳозир улар ўзларига янгича «тижоратчи-тадбиркор» деган номни қўйиб олишган. Булар қанақа «тадбиркорлар бўлди» деб ҳеч ким қизиқмайди.

Бир дўстимиз ҳикоя қилади.

— Ҳозир росмана деҳқон ёки соҳибкорни бозорда учратиш анқонинг уруғидек гап. Улар озиб-ёзиб бозорга пешона тери билан етказган маҳсулотларини олиб келган тақдирда ҳам сотишга жой йўқ. Чунки барча харидоргир, энг гавжум жойларни «тижоратчи тадбиркорлар» эгаллаб туришибди. Улар осмондан тушгандек тўсатдан пайдо бўлиб қолган деҳқонни жон-ҳолига қўйишмайди. Турли йўллар билан маҳсулотини арзон-гаров харид қилишга ҳозирлик кўришади. Ҳатто улар орасида кўтара арзимас пулга олган маҳсулотини бошқа бир тижоратчига бир йўла ортиқча нархда ўтказиб юборадиганлари ҳам бор. Маҳсулот икки-уч марта қўлдан қўлга ўтгандан кейин албатта нархи ҳам шунга яраша ошиб борадида.

Шу куни «Олой» бозорини айланиб, биз ҳам дўстимиз айтган гапларга ишонч ҳосил қилдик. Бозорнинг мўл-кўллиги яхши. Лекин нархи ҳам шунга яраша бўлса яхши эканда. Бунинг учун албатта бозорни ўзиники қилиб олган «тижоратчи-тадбиркорларни» бироз инсофга чақириш керак шекилли.

## ҚАРҒИШДАН ОҒИР ЖАЗО ЙЎҚ

Бирор юмуш билан кўча-кўйда юрганимда баъзан усти ёпилмай қолган қудуқларга кўзим тушиб қолади. Шундай кезларда дилим ранжиб, шунақа ҳолат билан боғлиқ баъзи бир нохуш воқеа-ҳодисалар кўз ўнгимдан ўтади.

Яқинда шаҳар канализация тармоқлари идорасида ишловчи мутасадди раҳбарлардан бири билан учрашиб қолдик. Унга дарҳол шу ҳақда сўз очдим.

— Эй отахон, — деди у куюниб. — Шаҳарда минглаб қудуқлар бўлиб, уларнинг ҳаммасининг қопқоғи бор. Лекин кейинги вақтларда ҳеч нарсани ўйламай, ҳатто йўловчилар ёки транспорт қатнови учун жуда хавфли эканлигини ҳам хаёлига келтирмай, қудуқ қопқоғини ўғирлаб кетадиганлар топилиб қолди. Шундай ҳолларда бизга хабар қилишса, албатта дарҳол унинг чорасини кўрамиз. Иложи борича ўша қудуқ устини қопқоқ билан тезроқ ёпиш тараддудига тушамиз. Лекин баъзан бундай нохуш ҳоллар бизга етиб кела қолмайди. Ўша ерда яшовчилар ёки йўловчилар кўра-била туриб «Менга нима» қабилида иш тутишади. Усти очиқ қолган қудуқ ҳақида бизни огоҳлантиришмайди. Кўпинча шунақа пайтларда назоратсиз қолган қудуқларнинг усти анча вақтгача очиқлигича қолиб кетади.

Қаранг, кимдир тузатиш, кимдир бузиш билан овора. Мутасаддилар бундай нохуш ҳолларнинг олдини олишса, баъзи бировлар эса уларга иш орттириб қопқоқларни ўғирлашдек нолойиқ ишларни қилишдан тойишмайди. Хўш, улар шундан нима фойда кўраркин? Кимларгадир ташвиш орттириб, баъзан эса ўзгаларга фожиа келтирадиган бу ўғирликдан келадиган даромад уларга буюрармикан? Одамларнинг қарғиши, баъзан эса бемаврид тўкилган кўз ёшлар ахир бир кун келиб ундайларнинг ёқасидан тутмайдими? Албатта тутади. Сабаби инсон учун кўпчиликнинг қарғишидан кўра оғирроқ жазо йўқ.

*Футбол*

## МУХЛИСЛАРНИ ХУШНУД ЭТИШДИ

"Пахтакор" марказий стадионига йиғилган кўп минг сонли мухлислар Осиё чемпионлар лигаси "Д" гуруҳи вакиллари Тошкентнинг "Пахтакор" ҳамда Саудия Арабистонининг "Ал-Аҳли" жамоалари ўртасидаги учрашувнинг гувоҳи бўлишди.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, сафарда "Ал-Аҳли" жамоаси билан куч синашган пахтакорчилар рақибларига 3:0 ҳисобида имкониятни бой берган эдилар. Осиё чемпионлар лигаси кейинги босқичида иштирок этиши мушкул вазиятда турган "Пахтакор" жамоасига ўз майдонида ғалабага эришиш ниҳоятда зарур эди. Шу боисми, гарчи мезбонлар майдонда Гочкулиев, Жепаров, Магдиев сингари етакчи ўйинчиларсиз ҳаракат қилишларига қарамай қарши ҳужум тактикасини танлашди. Бу ўз самарасини берди. Учрашувда ҳисоб Кошелев томонидан 22-дақиқадаёқ очилди. Аммо жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган араб футболчиларининг ҳужумлари ҳам самара бериб, 37-дақиқада Раджера Сантос мезбонлар дарвозасига жавоб тўпини йўллади.

Иккинчи бўлимда тошкентликлар анча уюшқоқ ҳаракат қилишди. Натижада кетма-кет меҳмонлар дарвозасига уюштирилаётган ҳужумлар туфайли 60-дақиқада Анвар Солиев мухлислар орзиқиб кутган иккинчи голни йўллади. 2:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади. Муҳим уч очкони қўлга киритган пахтакорчиларга гуруҳ баҳслари ғолиблигини эгаллаш учун имконият пайдо бўлди.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРК ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

**Тошкентдаги "Кино музейи"да жорий йилнинг 25 апрелидан то 1 майига қадар Турк фильмлари ҳафталиги ўтказилади.**

Туркиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур кино байрамида еттита янги кинофильмлар томошабинлар диққатига ҳавола этилади. Улар орасида таниқли кино артисти Йилмаз Эрдоган продюссерлик қилган "Визортеле" ҳажвий фильми ҳам ўрин олган. Бош ролларни Йилмаз Эрдоган ҳамда Тарик Аканларт ижро этишган. Фильмда Туркиянинг шарқий қисмида жойлашган кичкинагина шаҳарча ҳаётидан ҳикоя қилинади. 1980 йилларда мамлакатда сиёсий тартибсизликлар ҳукм сураётган бир вақтда Гюнер исмли кутубхона ходими шу шаҳарчага сургун қилинади. Гюнер келиши билан шаҳарчанинг маданий ҳаётида жонланиш пайдо бўлади. Унинг қизи Туба эса ўзи билан гўёки нур, эзгулик, гўзаллик олиб келади бу гўшага. Ўзининг феъл-атвори туфайли "Ғалати" лақабини олган шаҳар мэри Эмин шаҳарчадаги ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди. Аммо кўпчиликка шаҳар раҳбарининг фикри маъқул келмайди. Ўзбек томошабинлари мазкур фильмни ўз она тилларида кўришлари мумкин.

Продюссер Фотих Акин томонидан яратилган "Июль" картинаси ҳам киносеварлар диққатини жалб этиши шубҳасиз. Фильмда ёш ўқитувчининг ҳаёти, унинг оташин муҳаббати тасвирланади. Унинг Германияда бошланган саргузаштлари Туркияда ҳақиқий муҳаббатни топа олишига кўмак беради. Фильм рус тилига дубляж қилинган.

Туркия фильмлари ҳафталиги доирасида ўзбек томошабинлари ҳукмига ҳавола этиладиган киноасарлар мухлисларда катта таассурот қолдиради деб ўйлаймиз.

**Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,**
**"Туркистон-пресс"**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3868 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-307. 1 2 3 4 6